Тошкент вилояти
Адлия бошкармаси томонидан

2013 йил «8» май

№ 245/407

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Таъсисчилар
Умумий йиғилиши томонидан
2013 йил «07» майдаги
1-сонли баённомаси
билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

# «GRAND ART CERAMICS»

## MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT SHAKLIDAGI

## QO'SHMA KORXONA

# U S T A V I

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Бундан буён Таъсисчилар деб аталувчи Хитой Халк Республикаси давлати қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланган **«Xinjiang AMIR Trading Co., Ltd.» масъулияти чекланган компания** ва Узбекистон Республикаси фукароси **Гафуров Баходир Исраилович** билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида **«GRAND ART CERAMICS» mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo'shma korxonasi** (бундан буён-Корхона)ни ташкил этдилар.

1.2. Корхона таъсисчилари қуйидагилар:

- **«Xinjiang AMIR Trading Co., Ltd.» масъулияти чекланган компания –** Rm 6-601, Building 15, Yuxinjiayuan Community, 799 N, Dawan Road, Tianshan District, Urumqi манзилида жойлашган. Жамият 650102050032949 ракам билан 12.03.2009 йили таъсис этилган. Жамият номидан ишончнома асосида вакил Мухаммадов Азиз Шариф ўғли (16.09.1979 йили тугилган, паспорт раками CA 2338723, Тошкент шахар С.Рахимов тумани ИИБ томонидан 02.12.2006 йилда берилган) иштирок этади.
- **Гафуров Баходир Исраилович –** паспорт AA1132394, Тошкент шахри Учтепа тумани ИИБ томонидан 26.03.2013 йилда берилган. Турар жойи: Тошкент шахри, Учтепа тумани, Дадил 6-тор куча, 5 уй.

1.3. Корхонанинг юридик номи:

Узбек тилида

Тўлиқ номи: **«GRAND ART CERAMICS»** mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo'shma korxonasi.

Қиска номи: **«GRAND ART CERAMICS»** MChJ QK.

Рус тилида

Тўлиқ номи: Совместное предприятие в форме общество с ограниченной ответственностью **«GRAND ART CERAMICS».**

Қиска номи: СП ООО **«GRAND ART CERAMICS»**.

1.4. Корхонанинг манзили: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Эски-Тошкент» к.ф.й., Самарканд кучаси, 2-А уй.

1.5. Корхона чекланмаган муддатга ташкил этилган.

## II. КОРХОНАНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ.

2.1. Корхона давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

2.2. Корхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, шунингдек корхона таъсис шартномаси ва Уставига таянади.

2.3. Давлат ва унинг органлари Корхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек Корхона хам Давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Корхона унинг Таъсисчиларнинг шахсий мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

2.4. Корхона ўз номи кўрсатилган ва эмблемаси акс эттирилган мухр, бурчак тамғасига, шунингдек ўзининг товар белгисига эга бўлиши мумкин.

2.5. Корхона юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида амалга оширади, алоҳида мол-мулкка ва мустақил балансга эга, унга юклатилган мажбуриятларни бажаради ва фаолияти билан боғлик бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажариш, судда, хўжалик судида жавобгар ва даъвогар бўлиши мумкин.

## III. КОРХОНАНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ.

3.1. Корхона филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар, бошқа алоҳида бўлинмалар, шунингдек шуъба корхоналарни тузиш ҳуқуқига эга.

3.2. Корхона келгусида филиал ёки ваколатхона очган тақдирда, ушбу бандга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

## IV. КОРХОНАНИНГ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.

4.1. Корхонани ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистон иктисодиётига янги ишлаб-чиқариш технологияларини киритиш, ички бозорини халқ истеъмол моллари билан тўлдириш, шунингдек турли тижорат хизматларини кўрсатиш ва ишлаш жараёнида таъсисчилар манфаатида фойда олиш ҳисобланади.

4.2. Корхонанинг асосий фаолияти:

- Курилишбоп сопол ишлаб чикариш.

4.3. Корхонани фаолият турлари яна куйидагилар киради:

Иссиклик электр станциялари

Гидроэлектр станциялари

Бошка электр станциялар

Электр тармоклари
Иссиклик тармоклари
Мустакил козонхоналар
Нефт казиб олиш саноати
Нефтни кайта ишлаш саноати
Табиий газ казиб олиш
Табиий газни кайта ишлаш
Нефтга йўлдош газни кайта ишлаш
Кўмир казиб олиш
Очик усулда кўмир казиб олиш
Ёпик усулда кўмир казиб олиш
Кўмир бойитиш
Кўмир брикетлари ишлаб чикариш
Сланец саноати
Торф казиб олиш
Торф брикетлари ишлаб чикариш
Кора металлургия учун руда казиб олиш ва кайта ишлаш
Кора металл рудаларини ёпик усулда казиб олиш
Кора металл рудаларини очик усулда казиб олиш
Кора металлургия учун норуда хом ашёсини казиб олиш ва бойитиш
Кора металл ишлаб чикариш
Кувур ишлаб чикариш
Электроферрокуймалар ишлаб чикариш
Кокс химияси саноати
Ўтга чидамли махсулотлар ишлаб чикариш
Иккиламчи кора металлни кайта ишлаш
Ишлаб чикаришга мўлжалланган металл буюмларни ишлаб чикариш
Рангли металлургия
Алюминий, алюминий оксиди(глинозем) ва фторли тузлар ишлаб чикариш
Мис саноати учун руда казиш ва бойитиш
Мис ишлаб чикариш
Кўргошин-рух саноати учун руда казиш ва бойитиш
Кўргошин ва рух ишлаб чикариш
Никел-кобалт саноати учун руда казиш ва бойитиш
Никел ва кобалт ишлаб чикариш
Титан-магний саноати учун хом ашё казиш ва бойитиш
Титан ва магний ишлаб чикариш
Волфрам-молибден саноати
Калай саноати учун руда казиш ва бойитиш
Калай ишлаб чикариш
Сурма-симоб саноати учун руда казиш ва бойитиш
Сурма ва симоб ишлаб чикариш
Нодир металлар ва ярим ўтказгичлар саноати
Нодир металлар рудасини казиб олиш ва бойитиш
Нодир металлар ишлаб чикариш
Ярим ўтказгич материаллар ишлаб чикариш
Кимматбахо металларни казиб олиш
Кимматбахо металлар ва куймалар ишлаб чикариш
Олмос казиб олиш
Рангли металларга ишлов бериш
Рангли металлар ва кўймаларга ишлов бериш(енгил металлар прокатисиз)
Алюминий, магний ва титан прокати ишлаб чикариш
Иккиламчи рангли металлар ишлаб чикариш
Электрод саноати
Каттик котишмалар, кийин эрийдиган ва иссикликка чидамли металлар саноати
Кимё ва нефт-кимё саноати (кимё-фармацевтика саноатисиз)
Кимё саноати
Тог-кимё саноати
Асосий кимё
Азот саноати
Фосфатли ўгитлар ва бошка ноорганик кимё махсулотлари ишлаб чикариш
Сода саноати
Хлор саноати
Йод-бром саноати
Асосий кимёнинг бошка махсулотларини ишлаб чикариш
Тола ва кимёвий ип саноати
Сунъий смола ва пластик масса саноати

Пластмасса буюмлари, шиша толали материаллар, шишапластиклар ва шишапластик буюмлар саноати
Пластмасса буюмлар ишлаб чикариш(грампластинкалар, магнитофон кассеталари ва компакт-дисклар кирмайди)
Полимер плёнка, кувур ва листлар ишлаб чикариш
Узлуксиз шиша тола ва унинг махсулотларини ишлаб чикариш
Шишапластиклар ва унинг махсулотларни ишлаб чикариш
Грампластинка, магнитофон кассеталари ва компакт-дисклар ишлаб чикариш
Полимер транспор таралар ишлаб чикариш
Лак-бўёк саноати
Кимёвий реактивлар ва алохида соф моддалар саноати
Сунъий бўёклар саноати
Кимё-фотография саноати
Кимё саноатининг бошка тармоклари
Сунъий каучук ишлаб чикариш
Асосий органик синтез махсулотлари ишлаб чикариш
Техник углерод ишлаб чикариш
Шина ишлаб чикариш
Шина таъмирлаш саноати
Резино-техник буюмлар саноати
Асбест-техник буюмлар саноати
Резина пойафзал ишлаб чикариш
Резинадан кенг истеъмол моллари ишлаб чикариш
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш (тиббий техника саноатисиз)
Огир, энергетика ва транспорт машинасозлиги
Энергетика машинасозлиги (дизелсозлик бунга кирмайди)
Турбинасозлик
Козонсозлик
Дизелсозлик
Металлургия машинасозлиги
Кон-шахта ва кон-руда машинасозлиги
Кўтариш-транспорт машинасозлиги
Кранлар ишлаб чикариш(курилиш кранларисиз)
Курилиш кранлари ишлаб чикариш
Узлуксиз транспорт ускуналари ишлаб чикариш
Лифт ишлаб чикариш
Авто ва электр юклагичлар ишлаб чикариш
Бошка турдаги кўтариш-ташиш, юклаш-тушириш ва омборбоп ускуналар ишлаб чикариш
Электротехник машиналар, ускуналар, аппаратура ва ишлаб чикаришга мўлжалланган буюмлар ишлаб чикариш
Кабел саноати
Электролампа саноати
Электроизоляция саноати
Аккумулятор ва элемент саноати
Электр пайвандлаш ускуналарини ишлаб чикариш
Кимё ва нефт машинасозлиги
Кимё машинасозлиги
Полимер машинасозлиги
Нефт казиш ва геология-кидирув, бургулаш ускуналари ишлаб чикариш
Нефт ва газни кайта ишловчи ускуналар ишлаб чикариш
Целлюлоза-когоз саноати ускуналарини ишлаб чикариш
Компрессор машинасозлиги
Совитгичлар машинасозлиги
Вакуумли насос ва агрегатлар ишлаб чикариш
Кислород ва криоген машинасозлиги
Металларга газ алангасида ишлов бериш ва буюмларни металлаштириш ускуналари ишлаб чикариш
Насослар ишлаб чикариш
Саноатбоп кувурли ўтказгич арматураси ишлаб чикариш
Газ тозалаш ва чанг тутиш ускуна ва аппаратуралари ишлаб чикариш
Бўяш ускуналари ишлаб чикариш
Металл киркувчи дастгохлар ишлаб чикариш
Ёгочни кайта ишловчи ускуналар ишлаб чикариш
Темирчилик-пресслаш ускуналари ишлаб чикариш
Куюв ускуналари ишлаб чикариш
Металл ва ёгочга ишлов берувчи асбобларни ишлаб чикариш
Технологик жихозлар ишлаб чикариш
Сунъий олмос, абразив материаллар ва улардан асбоблар ишлаб чикариш саноати

Механик пайвандлаш ускуналари ишлаб чикариш
Тармоклараро ишлаб чикариш саноати
Ярим тайёр махсулотлар ишлаб чикариш
Умуммашинасозликда кўлланиладиган буюмлар ишлаб чикариш
Кора ва рангли металлдан фасонли куймалар тайёрлаш учун колип материаллари ишлаб чикариш
Технологик жараёнларни назорат килиш ва созлаш приборлари ишлаб чикариш
Электр ўлчов приборлари ишлаб чикариш
Радио ўлчов приборлари ишлаб чикариш
Оптик ва оптико-механик приборлар ва аппаратларни ишлаб чикариш
Механик катталикларни ўлчаш приборларини ишлаб чикариш
Вакт приборлари ишлаб чикариш
Инженерлик ва бошкарув мехнатини механизациялаштириш ва автоматлаштириш приборлари ишлаб чикариш
Табиий кузатувлар учун приборлар ишлаб чикариш
Тиббиёт, физиология ва биологияга оид приборлар ишлаб чикариш
Хисоблаш техникалари ва уларга эхтиёт кисмлар ишлаб чикариш
Техник элтувчилар(носител) ишлаб чикариш
Дастур воситалари ишлаб чикариш
Автомобил, автобус, тракторларга тиркама(прицеп)лар ишлаб чикариш
Мотоцикл ва велосипед ишлаб чикариш
Автомобил ва тракторлар учун электр ускуналари ва приборлар ишлаб чикариш
Бошка ускуна ва асбобларни ишлаб чикариш
Подшипник саноати
Трактор ва кишлок хўжалик машинасозлиги
Трактор машинасозлиги
Кишлок хўжалик машинасозлиги
Чорвачилик ва озука етиштириш машинасозлиги
Курилиш, йўл ва коммунал машинасозлик
Йўл-курилиш машинасозлиги
Йўлсозлик ва ер казиш машинасозлиги
Курилиш машиналари ишлаб чикариш
Курилиш материаллари саноати учун ускуналар ишлаб чикариш
Мелиорация ишлари, ўрмон ва торф саноати учун ускуналар ишлаб чикариш
Ёгоч тайёрлаш саноати ва мелиорация ишлари учун ускуналар ишлаб чикариш
Торф саноати учун ускуналар ишлаб чикариш
Коммунал машинасозлик
Коммунал хўжалик учун ускуналар ишлаб чикариш
Маиший хизмат корхоналари учун ускуналар ишлаб чикариш
Енгил ва озик-овкат саноати машинасозлиги хамда маиший приборлар ишлаб чикариш
Енгил саноат учун ускуналар ишлаб чикариш
Тўкимачилик саноати учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Тикувчилик ва тўкимачилик саноати учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Пойафзал, чарм, мўйна ва чарм-галантерея саноати учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Кимёвий толалар ишлаб чикариш учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Озик-овкат ва омухта ем саноати учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Савдо ва умумий овкатланиш корхоналари учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Полиграфия саноати учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Маиший прибор ва машиналар ишлаб чикариш
Тикув ва маиший электр машиналари ва приборлари ишлаб чикариш(маиший совутгич ва музлатгичлар кирмайди)
Маиший совутгич ва музлатгичлар ишлаб чикариш
Санитар-техник ва газ ускуналари хамда буюмлари ишлаб чикариш
Санитар-техник ускуналари ишлаб чикариш
Газ ускунаси ва аппаратуралари ишлаб чикариш
Алока воситалари саноати
Электроника саноати
Электроника саноати(махсус технологик ускуналар ишлаб чикариш кирмайди)
Махсус технологик ускуналар ишлаб чикариш(назорат-синов ускуналари кўшилган холда)
Машинасозликнинг бошка тармоклари
Ишлаб чикаришга мўлжалланган ускуналар ишлаб чикариш(арава-улов ва ойна саноати ускуналари кирмайди)
Монтаж килинадиган ярим махсулотлар, кисм ва деталлар ишлаб чикариш
Ойна саноати учун технологик ускуналар ишлаб чикариш
Улов-арава ишлаб чикариш
Металл конструкция ва буюмлар саноати
Металл конструкциялар ишлаб чикариш
Курилишга пўлат конструкциялар ишлаб чикариш

Енгил металл конструкциялари ишлаб чикариш
Алюминий ва алюминийли котишмалардан курилиш конструкция ва буюмлари ишлаб чикариш
Контейнер ва йигма бино-хоналар ишлаб чикариш
Ишлаб чикаришга мўлжалланган металл буюмлар ишлаб чикариш саноати(кора металлургияда ишлаб чикарилган металл буюмлар кирмайди)
Курилиш металл буюмлари ишлаб чикариш
Кишлок хўжалиги ва томорка асбоб-ускуналари ишлаб чикариш
Металл транспорт таралари ишлаб чикариш
Бошка металл буюмлар ишлаб чикариш
Ишлабчикаришга мўлжалланмаган металл буюмлар саноати
Хўжалик идишлари ва ошхона анжомлари ишлаб чикариш
Шахсий фойдаланиладиган предметлар ишлаб чикариш
Жисмоний тарбия ва спорт учун металл инвентарлар ишлаб чикариш
Машина ва ускуналарни таъмирлаш
Металл киркиш ва ёгочни кайта ишлаш дастгохларини, темирчилик-пресслаш ва куйма ускуналарини таъмирлаш
Саноатнинг бошка ускуна ва приборларини таъмирлаш
Ўлчов приборларини таъмирлаш
Юк автомобиллари ва автобусларни таъмирлаш
Енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник карови (ахоли буюртмаси бўйича таъмирлаш кирмайди)
Ахоли буюртмасига кўра енгил автомобиллар ва бошка транспорт воситаларини таъмирлаш хамда техник каровини ўтказиш
Тракторлар ва кишлок хўжалик машиналарини таъмирлаш
Йўлсозлик ва курилиш машиналарини таъмирлаш
Хисоблаш техникаларини таъмирлаш ва марказлашган холда хизмат кўрсатиш
Турли ишлаб чикариш ускуналарини таъмирлаш
Турли ноишлаб чикариш ускуналарини таъмирлаш
Ишлаб чикариш-техник, савдо-техник хизматлар ва радиоэлектрон аппаратураларни, маиший машиналар, приборлар ва металл буюмларни таъмирлаш
Ўрмон, ёгочни кайта ишлаш ва целлюлоза-когоз саноати
Ёгоч тайёрлаш саноати
Ёгочни кайта ишлаш саноати
Ёгоч тилиш
Стандарт уйлар ишлаб чикариш
Ёгочдан курилиш деталлари ва плиталар ишлаб чикариш
Ёгоч контейнерли, тайёр ва йигма холдаги бино ва уйлар ишлаб чикариш
Фанера ишлаб чикариш
Ёгоч тараларни ишлаб чикариш ва таъмирлаш
Мебел ишлаб чикариш(ахоли буюртма-сига кўра ишлаб чикариш кирмайди)
Мебелни таъмирлаш(ахоли буюртмасига кўра мебел таъмирлаш кирмайди)
Ахоли буюртмасига кўра мебел тайёрлаш ва таъмирлаш
Гугурт ишлаб чикариш
Ёгочга ишлов беришнинг бошка сохалари
Целлюлоза, ёгоч массаси, когоз ва картон ишлаб чикариш
Когоз ва картон идиш(тара)лар ишлаб чикариш
Когоз ва картон буюмлар ишлаб чикариш
Цемент хом ашёсини казиб олиш
Цемент ишлаб чикариш
Асбоцемент буюмлари ишлаб чикариш
Юмшок томёпгич ва гидроизоляция матолар саноати
Йигма темир-бетон ва бетон конструкциялари хамда буюмлари(девор материалларисиз) саноати
Девор блоклари ишлаб чикариш
Гишт ва сопол черепица ишлаб чикариш
Курилиш сополчилиги(керамика)
Сопол хом-ашёсини казиб олиш
Курилишбоп ва техник чинни, фаянс ва ярим чинни махсулотлар ишлаб чикариш
Полимер хом ашёсидан курилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чикариш
Норуда курилиш материаллар саноати
Табиий тошни казиб олиш ва ундан коплама материаллар тайёрлаш
Коплама материаллар учун табиий тошларни казиб олиш
Табиий тошдан копловчи материаллар ишлаб чикариш
Говакли тулдирувчилар саноати
Табиий ва сунъий говакли тўлдирувчилар учун хом ашё казиб олиш
Говакли тўлдирувчиларни сунъийсини ишлаб чикариш ва табиийсини кайта ишлаш.
Охакли, гипсли ва махаллий богловчи материаллар ва улардан махсулотлар ишлаб чикариш саноати
Охакли ва гипсли тошларни казиб олиш

Охакли, гипс ва махаллий богловчи материалларни ва махсулотларни ишлаб чикариш
Охак ва доломит кукунини ишлаб чикариш саноати
Иссиклик изоляцияси материаллари саноати
Асбест(тошпахта) саноати
Нометаллрудаларни казиб олиш
Нометалл рудалардан махсулот ишлаб чикариш
Курилиш материаллари саноатининг бошка тармоклари
Товар бетонлари ва курилиш коришмаларини ишлаб чикариш
Асфальтбетон ишлаб чикариш
Бошка курилиш материалларини ишлаб чикариш
Шиша ва чинни-сопол саноати (табобат учун ойнак ва чинни-securityсополдан буюмларни ишлаб чикарувчи корхоналарсиз)
Шиша саноати учун дастлабки хом ашёни казиб олиш
Курилиш ва техник шиша ишлаб чикариш
Шиша идишлар ишлаб чикариш
Шиша идишлар ва шишадан хўжалик-рўзгор буюмларини ишлаб чикариш
Электротехник ва электровакуум шишаларини ишлаб чикариш
Кимё-лаборатория идишларини ишлаб чикариш
Чинни-сопол саноати
Чинни ва сополдан хўжалик-рўзгор буюмларини ишлаб чикариш
Кулолчилик хўжалик-рўзгор буюмларини ишлаб чикариш
Тўкимачилик саноати
Пахта тозалаш саноати
Зигирни дастлабки кайта ишлаш
Бошка луб толаларини дастлабки кайта ишлаш
Жунни дастлабки кайта ишлаш
Пиллакашлик саноати
Ип газлама саноати
Зигир саноати
Жун саноати
Жун саноати (ахоли буюртмаси бўйича гилам ва гилам буюмларини ишлаб чикаришни кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича гилам ва гилам буюмларини ишлаб чикариш ва таъмирлаш.
Ипакчилик саноати
Нотўкима матолар ишлаб чикариш
Пенько-жут саноати
Тўр тўкиш саноати
Тўкимачилик атторлик молларини ишлаб чикариш
Тўкимачилик атторлик молларини ишлаб чикариш (ахоли буюртмасини кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича тўкимачилик атторлик молларини ишлаб чикариш ва таъмирлаш
Трикотаж буюмларини ишлаб чикариш (ахоли буюртмасини кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича трикотаж бумларини ишлаб чикариш
Трикотаж буюмларини таъмирлаш
Кигиз ва намат буюларини ишлаб чикариш (ахоли буюртмасини кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича кигиз ва намат буюмларини ишлаб чикариш
Тикувчилик махсулотларини ишлаб чикариш (ахоли буюртмасини кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича тикувчилик махсулотларини ишлаб чикариш.
Тикувчилик махсулотларини таъмирлаш
Чарм, мўйна ва пойафзал саноати
Табиий чарм ишлаб чикариш
Сунъий чарм ва пленка материалларини ишлаб чикариш
Сунъий мўйна ишлаб чикариш
Чарм-атторлик саноати
Табиий ва сунъий чармдан йўл ва атторлик буюмларини ишлаб чикариш
Табиий ва сунъий чармдан йўл ва атторлик буюмларини таъмирлаш
Мўйна ва мўйна буюмларини ишлаб чикариш (ахоли буюртмасини кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича мўйна буюмларини тикиш
Мўйна буюмларини таъмирлаш
Пойафзал саноати (резина пойафзалларни ишлаб чикаришдан ташкари)
Пойафзал ишлаб чикариш (ахоли буюртмасини кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича пойафзал тайёрлаш, тикиш
Пойафзалларни таъмирлаш
Тугма ишлаб чикариш саноати
Енгил саноатнинг бошка сохалари
Озик-овкат саноати
Озик-овкат саноати (балик, гўшт, ёг-пишлок ва сут саноатидан ташкари).
Шакар саноати

Нон ишлаб чикариш саноати
Кандолатчилик саноати
Макарон саноати
Ёг-мой саноати
Ёг-мой саноати (совун ва ювувчи воситаларни ишлаб чикаришсиз)
Совун ва ювувчи воситаларни ишлаб чикариш
Пардоз-андоз буюмлари саноати
Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чикариш
Хамиртуруш саноати
Крахмал-киём саноати
Мевасабзавот саноати
Мевасабзавот саноати (мевасабзавот консерваларини ишлаб чикаришсиз)
Мевасабзавот консерваларини ишлаб чикариш
Туз саноати
Чой баргларини кайта ишлаш
Чой кадоклаш ва пресслаш
Тамаки ферментацияси
Тамаки-махорка махсулотларини ишлаб чикариш
Озик-овкат концентратларини ишлаб чикариш
Озик-овкат саноатининг бошка сохалари
Гўшт ва сут саноати
Гўшт саноати
Гўшт саноати (елимжелатин саноатисиз)
Елимжелатин саноати
Ёг-пишлок ва сут саноати
Ёг-пишлок ва сут саноати (сут консерваларини ишлаб чикаришсиз)
Сут консерваларини ишлаб чикариш
Баликчилик саноати
Микробиология саноати
Озукали оксил моддалари саноати
Углеводород хом ашёсидан озукали оксил моддалари ишлаб чикариш
Гидролиз саноати
Микробиология саноатининг бошка тармоклари
Аминокислоталарни ва фермент препаратларини ишлаб чикариш
Нотиббий максаддаги антибиотикларни, озукали дармондорилар (витамин), премикс, бактерияли ўгитлар ва ўсимликларни микробиологик химоя воситаларини ишлаб чикариш
Эритувчиларни ишлаб чикариш
Ун, ёрма ва комбикорм (аралаш озука) ишлаб чикариш саноати
Ун ва ёрма ишлаб чикариш саноати
Ун ишлаб чикариш саноати
Ёрма ишлаб чикариш саноати
Комбикорм (аралаш озука) ишлаб чикариш саноати
Табобат саноати
Кимё-дориворлик (фармацевтика) саноати
Табобат техникаси (анжомлари) саноати
Шиша, чинни ва пластмассадан табобот буюмлар ишлаб чикариш
Нашриёт саноати
Саноатнинг бошка сохалари
Бадиий буюмлар ишлаб чикариш
Мусика асбобларини ишлаб чикариш
Заргарлик саноати
Киммат бахо ва ярим кимматбахо тошларни, ялтирок тошларни ва кахрабо казиб олиш.
Заргарлик буюмларини ишлаб чикариш ва таъмирлаш (ахоли буюртмаси бўйича заргарлик буюмларини ишлаб чикариш ва таъмирлашни кўшмаган холда)
Ахоли буюртмаси бўйича заргарлик буюмларини ишлаб чикариш ва таъмирлаш
Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошка буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш
Кимёвий тозалаш ва бўяш
Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошка буюмларни ювиш ва уларга ишлов бериш
Фотокино махсулотларини ишлаб чикариш
Кино нусхалари махсулотларини ишлаб чикариш
Фотокино махсулотларини ишлаб чикариш
Ветеринария учун шифобахш дори дармонларни ишлаб чикариш
Ўйинчокларни (резина ўйинчоклардан ташкари) ишлаб чикариш
Мукаммал тизимли окава сув иншоотлари
Саноатнинг булардан ташкари сохалари
Чорвачилик

Гўшт ва сут чорвачилиги
Паррандачилик
Тухум ишлаб чикарувчи паррандачилик
Гўшт ишлаб чикарувчи паррандачилик
Чорвачиликни бошка йўналишлари
Баликчилик
Кишлок хўжалигига хизмат кўрсатиш
Сугориш ва мелиоратив тизимлардан фойдаланиш
Ветеринария хизмати
Юклаш ва юк тушириш ва транспорт-экспедиция ишлари ва хизматлари.
Ахоли буюртмасидан ташкари юклаш ва юк тушириш ва транспорт-экспедиция ишлари ва хизматлари
Юкларнинг божхона декларациясини расмийлаштириш хизмати
Ахоли буюртмаси бўйича юкларни ташиш ва бошка транспорт-экспедиция хизмати
Транспортга хизмат кўрсатиш
Почта алокаси
Курьер (чопар) хизмати
Курилиш монтаж ва бошка ишларни пудрат ва хўжалик хисоби усули билан бажарувчи умумкурилиш ва ихтисослашган ташкилотлар
Пудрат усулида иш бажарувчи ташкилотлар
Умумкурилиш ташкилотлари
Алохида ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Ер ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Ноль цикл бўйича ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Бургилаш ва портлатиш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Монтаж ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Пардозлаш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Иссикликтехникаси ва иссикликдан химоя килиш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Санитар-техник ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Сув хўжалиги курилиши ва маданий-техник ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Йўналишдаги ва тармок курилиш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Гидротехник ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар
Уйсозлик бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар
Ишга тушириш ва созлаш ташкилотлари
Бошка ихтисослаштирилган курилиш ташкилотлар
Ишлаб чикариш бино ва иншоотларини мукаммал таъмирловчи ташкилотлар
Ноишлаб чикариш бино ва иншоотларини таъмирловчи, ахоли буюртмаси бўйича уй-жой курувчи ва таъмирловчи ташкилотлар
Ноишлаб чикариш бино ва иншоотларини таъмирлаш
Ахоли буюртмаси бўйича уй-жой курувчи ва таъмирловчи ташкилотлар
Лойиха, лойиха-кидирув ва кидирув ташкилотлари
Бошка улгуржи савдо
Дорихона муассасалари
Бошка чакана савдо
Умумовкатланиш
Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш
Халк истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати
Ишлаб чикариш-техник максаддаги ускуна ва машиналарни ижарага бериш
Тайёрловчи ташкилотлар
Ахборот-хисоблаш хизмати
Интернет ва компьютер тармоги бўйича хизмат кўрсатиш
Ишлаб чикариш-техник максаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш
Ноишлаб чикариш-техник максаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш
Ишлаб чикариш-техник максаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага беришда воситачилик хизмати
Ноишлаб чикариш-техник максаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага беришда воситачилик хизмати
Транспорт, уйжой-коммунал хўжалик, маиший хизмат, маориф, маданият, согликни саклаш ва фан сохасида воситачилик хизмати
Реклама, ваколатлик хизмати
Маркетинг тадкикотлари, тижорий фаолият, молия ва бошкарув масалалари бўйича маслахат хизмати
Тахририят ва нашриёт
Идорадан ташкари кўриклаш
Мехмонхоналар хўжалиги
Маиший хизматнинг ноишлаб чикариш турлари билан шугулланувчи корхона ва ташкилотлар
Даволаш-профилактика муассасалари

Амбулатория-поликлиника муассасалари
Тез ва шошилинч тиббий ёрдам, санитария авиацияси ва кон куйиш муассасалари
Сихатгох-согломлаштириш муассасалари
Дам олиш ва сайёхлик
Согломлаштириш ва дам олиш муассасалари
Дам олиш ва ўйин-кулгу тадбирларини ташкил этиш фаолияти
Сайёхлик
Жисмоний тарбия ва спорт
Ишчиларни ва бошка ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш
Мактабгача тарбия
Мактабдан ташкари тарбия
Тасвирий студия ва бадиий безаш ташкилотлари
Киностудия, овоз ёзиш студиялари
Кинофильмлар тайёрлаш ва овоз ёзиш (иш ва хизматлар кўрсатишлар ахоли буюртмасисиз)
Хаваскорлик кинофильмларини тайёрлаш ва овоз ёзиш хизмати
Кинофильмларни ижараси
Мустакил конструкторлик ва лойихалаш ташкилотлари.

- амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолиятлар («Тадбиркорлик фаолияти эркинлиглигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 19-моддасига асосан).

4.4. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олиниши керак бўлган барча фаолият турларини шундай лицензия олинганидан сўнг амалга оширади.

## V. ТАЪСИСЧИЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Корхона таъсисчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- Амаладги қонунчиликда ва корхонанинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- амалдаги қонунчилик ва корхона таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда корхонанинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш ва ундан тегишли қисмини олиш;
- корхонанинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини амалдаги қонунчилик ва корхона таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мазкур корхонанинг бир ёки бир неча таъсисчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- корхона бошқа таъсисчиларининг розилигадан катъий назар амалдаги қонунчилик ва корхона таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда корхонадан чиқиш;
- корхона тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;
- жами улушлари корхона устав фондини камида ўн фоизини ташкил этадиган корхона таъсисчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаёган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан корхонанинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда кийинлаштираётган таъсисчини корхонадан суд тартибида чиқарилишини талаб қилиш;
- корхона таъсисчилари амалдаги қонун ҳужжатларида ва корхонанинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.2. Корхона таъсисчилари қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Корхона таъсис ҳужжатлари қоидаларига риоя этиш;
- амалдаги қонунчиликка ва корхонанинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;
- корхона фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт. Ошкор этилмайдиган ахборотларнинг хажмига барча тижорат шартномалар ишлаб чиқариш, техник ва бошқа Корхона фаолияти тўғрисидаги ахборотлар киради. Корхонанинг хар бир Таъсисчиси ва ходим расмий равишда ва беҳос олинган Корхонанинг фаолиятига тааллукли ахборотларни конфиденцаллигини таъминлашга мажбур ва шу аҳборотларни тарқалишидан олдини олувчи барча имкон бўлган чораларни кўриши лозим;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Корхона таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

## VI. МОЛ-МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР.

6.1. Корхона ўзига тегишли бўлган мол-мулкидан мустақил равишда фойдаланади.

6.2. Корхонанинг мол-мулки ва маблағлари устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда Таъсисчиларга тегишлидир.

6.3. Корхона мол-мулкини шакллантириш қуйидагича амалга оширилади:

- Таъсисчилар улушлари;
- Корхона фаолияти давомида олинган фойда;

- фуқаролар, шунингдек муассасалар, корхоналар ва жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий улушлар ва ажратмалар;

- Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ижара ва бошқа тўловлар ва тушимлар;

-беғараз ва хайрия бадаллар;

- амалдаги қонун ҳужжатларида ман қилинмаган бошқа манбалар ва усуллар билан.

## VII. УСТАВ ФОНДИ.

7.1. Корхонани тузиш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун **401 430,30 (турт юз бир минг турт юз уттиз АКШ доллари 30 цент)** АҚШ доллари миқдорида устав фонди ташкил этилади.

7.2. Таъсисчиларнинг Устав фондидаги улушлари қуйидагича тақсимланади:

- **«Xinjiang AMIR Trading Co., Ltd.» масъулияти чекланган компаниясининг** улуши – устав фондининг 50 %, яъни 200 715,15 (икки юз минг етти юз ун беш АКШ доллари 15 цент) АКШ долларини ташкил этади.
- **Гафуров Баходир Исраиловичнинг** улуши – устав фондининг 50 %, яъни 200 715,15 (икки юз минг етти юз ун беш АКШ доллари 15 цент) АКШ долларини (Узбекистон Республикаси Марказий банкининг 07.05.2013 йилдаги курси 1 АКШ доллари 2069 сум 48 тийинга тенг) ташкил этади ва ушбу улуш киймати 415 376 000 (турт юз ун беш миллион уч юз етмиш олти минг) сумга тенг булган (асос: «NE'MAT BAHOLASH» МЧЖнинг 20.02.2013 йилдаги 57-сонли бахолаш хисоботи) Тошкент вилояти Чиноз тумани, «Эски-Тошкент» к.ф.й., Самарканд кучаси 2-А уйда жойлашган бино-иншоотларнинг бир кисми билан шакллантирилади. (кадастр раками: 11-13-05-01-01-0120-001, объект номи: нотурар жой, 2 каватли хизмат биноси 405,26 кв.м. (режа буйича литер 0001), коровулхона 18,17 кв.м. (режа буйича литер 0002), трансформатор подстанцияси 86,94 кв.м. (режа буйича литер 0003).

7.3. Таъсисчиларнинг Устав фондидаги улушлари пул маблағлари, мол-мулк, кучмас мулк, асбоб-ускуналар, интеллектуал мулк ва бошқа кўринишда киритилиши мумкин.

7.4. Корхонанинг Устав фонди Корхонанинг фаолиятидан олинган даромад ҳисобидан, Таъсисчиларни натура ёки пул кўринишидаги шахсий улушлари ҳисобидан оширилиши мумкин. Устав фонднинг оширилиши тўғрисидаги қарор Корхона Таъсисчиларининг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.5. Таъсисчилар Умумий йиғилиши қарорига биноан Устав фонди Таъсисчиларнинг Корхонадан чиқиши асосида камайтирилиши мумкин.

Корхона Уставга тегишли ўзгартириш киритишни рўйхатга олиш вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган Устав фондининг минимал миқдоридан кам бўлса, Корхона Устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

## VIII. ТАЪСИСЧИЛАРНИ КОРХОНАДАН ЧИҚИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТИ.

8.1 Корхона қатнашишси ўз хохишига кўра таъсисчилар таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда ушбу таъсисчи ўз улушини бошқа таъсисчиларга ёки уларнинг розили бўлган тақдирда учинчи шахсга сотиши ёхуд бепул бериши мумкин.

8.2 Корхона таъсисчиси корхона таъсис ҳужжатларида белгиланган қоидаларни бир-неча маротаба қўпол равишда бузилишига йўл қуйган ёхуд ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан корхонанинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда кийинлаштирган тақдирда, таъсисчилар умумий йиғилиши томонидан ушбу таъсисчи суд тартибида таъсисчилар сафидан чиқариб юборилиши мумкин. Бунда жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган таъсисчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган таъсисчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

8.3. Корхона таъсисчиси ихтиёрий ёки мажбурий равишда корхонадан чиқариб юборилганидан сўнг корхона таъсис ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим.

8.4. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ушбу ўзгартиришлар рўйхатга олинганидан сўнг у ҳуқуқий оқибатга олиб келади ва учинчи шахслар учун кучга кирган ҳисобланади

8.5. Ушбу Уставда кўзда тутилмаган Иштирокчиларни корхонадан чиқариш тартиби ва унинг ҳуқуқий окибатлари амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## IX. ТАЪСИСЧИЛАРНИ УЛУШИНИ (УЛУШИНИ БИР ҚИСМИНИ) БОШҚА ТАЪСИСЧИЛАРИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ.

9.1. Корхона таъсисчиси ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини корхонанинг бир ёки бир неча таъсисчисига, шунингдек учинчи шахсларга сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бу ҳолда бошқа таъсисчиларнинг розилиги талаб қилинади.

9.2. Корхона таъсисчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

9.3. Корхона таъсисчилари корхона таъсисчисининг улушини (бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

9.4. Агар корхонанинг бошқа таъсисчилари улушни (бир қисмини) сотиб олишда ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, корхона ўзининг таъсисчиси томонидан сотилаётган улушни (бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

9.5. Ўз улушини (бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган таъсисчи улушни баҳоси ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда бошқа таъсисчиларни ҳамда корхонани ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Корхона таъсисчилари ёки корхона бир ой ичида сотилаётган улушни (бир қисмини) сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, ушбу улуш белгиланган баҳода ва шартларда бошқа шахсларга сотилиши мумкин.

9.6. Улуш (бир қисмини) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, корхонанинг исталган таъсисчиси ёки корхона, бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар. Мазкур имтиёзли ҳуқуқдан бошқанинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

9.7. Корхона устав фондидаги улушдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш ёзма ариза шаклида қуйидагича амалга оширилади:

- амалдаги конунчиликка мувофик жисмоний шахслар аризалари нотариал тасдиқланиши;
- амалдаги конунчиликка мувофик юридик шахсларнинг аризалари уларнинг фирмали бланкасида ўз мухри билан тасдиқланиши лозим.

9.8. Улушдан воз кечилганлиги тўғрисидаги далиллар (рўйхатга олувчи орган томонидан қайта рўйхатдан ўтган ҳужжатлар) корхонага тақдим этилгандан бошлаб таъсисчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари улушни (бир қисмини) олувчига ўтади.

9.9. Улушидан (бир қисмидан ) воз кечаётган шахс жисмоний шахс бўлса, у вафот этган тақдирда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний меросхўрига ўтади, агар юридик шахс бўлса, у қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳуқуқий ворисига ўтади

9.10. Ушбу уставда кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

## X. КОРХОНА ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ.

10.1. Корхона қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- корхона таъсис ҳужжатлари, уларга киритилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар;
- корхона таъсисчилари умумий йиғилишининг корхонани ташкил этиш ва корхона устав фондига қушиладиган пулсиз улушларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек корхонани ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- корхонани давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат,
- корхонанинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- корхонанинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- корхона таъсисчилари умумий йиғилишининг, ижроия органининг ва тафтиш комиссияси мажлисларининг барча баённомалари;
- корхона тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- қонун хужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

10.2. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар корхонанинг ижроия органи жойлашган манзилда сакланади.

10.3. Корхона, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган булмаса, ушбу Уставнинг 10.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни доимий равишда сақлаши шарт.

10.4. Корхона таъсисчисининг, аудиторнинг ёки исталган манфаатдор шахснинг талабига биноан корхона уларга корхонанинг таъсис ҳужжатлари билан, шу жумладан унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан, шунингдек конфиденциал ҳисобланмаган маълумотлар билан танишиш имкониятини бериши шарт.

10.5. Таъсисчининг талабига биноан корхона унга корхонанинг таъсис шартномаси ва устави уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни нусхаларини бериши шарт. Корхона томонидан нусхаларни беришда уларни тайёрлашга кетган харажатлар миқдорида мурожаат этган шахс (таъсисчилар бундан мустасно) ҳисобидан ҳақ олинади.

## XI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ.

11.1. Корхона мустақил равишда хўжалик фаолиятини режалаштиради ва бозор иқтисодиети асосида хизматларга реал бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда нархларни белгилайди.

11.2. Корхона мустақил равишда Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда бухгалтерлик ҳисоб, молиявий ва статистик ҳисоботни амалга оширади.

11.3. Моддий техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий захиралар ташкил этади. Корхонанинг ўз маблаглари унинг тўлиқ тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган холлардан ташқари олиб қўйилмайди.

11.4. Корхона директор тасдиғига асосан қонунчилик талабларидан келиб чиккан ҳолда ходимлар жадвалини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартибини жорий этади.

11.5. Мустақил равишда ходимларни касб ва малака савиясини белгилайди.

11.6. Белгиланган муддатларда молия, солиқ статистика органларига олинган даромадлар тўғрисида қонун белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

11.7. Корхонанинг даромад ва харажатларини ҳисоблашнинг юритиш тўғрилиги устидан назорат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

11.8. Корхона Таъсисчиларининг Умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерлик баланс, даромадлар ва зиёнлар тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлиги Корхонанинг тафтиш комиссияси томонидан маъқулланган бўлиши керак.

## XII. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ.

12.1. Барча мажбурий тўловлар ва солиқлар тўланганидан сўнг Корхона ихтиерида қоладиган маблағлар Корхона даромадини ташкил этади.

12.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромаддан барча солиқлар ва тўловлар, шу жумладан давлат ижтимоий суғурта, пенсия фондига, ижара тўловлар ва ҳоказоларни амалга оширади.

12.3. Корхонада қуйидаги фондлар шакллантирилади:

- Корхона Устав фондининг 15 фоизи миқдорида заҳира фонди ташкил этилади. Заҳира фонди белгиланган миқдорга етгунча хар йили соф фойдадан 5 фоизлик ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.
- Корхона молия-хўжалик фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондлар.

Шакллантириладиган фондларнинг миқдори Таъсисчилар Умумий йиғилиши қорори билан белгиланади.

12.4. Корхона амалдаги қонун ҳужжатларида ман қилинмаган нархлар бўйича ва тартибда, пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга ўз махсулот ва хизматларини сотади.

12.5. Таъсисчилар Корхона устав фондига қўшган улушлари сонига мутаноссиб овозга эгадирлар.

Корхона молия-хўжалик фаолияти давомида олинган соф фойда Таъсисчиларнинг ўртасида уларнинг устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда таъсисчиларнинг карорига асосан хар чоракда, ярим йил бир марта ёки бир йилда бир марта тақсимланади.

12.6. Молиявий - хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган зиёнларни қоплаш ва корхона томонидан таъсисчиларнинг улушини сотиб олиш Корхонанинг заҳира фонди ҳисобидан, у етмаган ҳолда эса Корхонанинг мол-мулки ёки Таъсисчиларнинг мақсадли қўшимча улушлари ҳисобидан амалга оширилади.

## XIII. КОРХОНАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.

13.1. Корхонанинг бошқарув органлари қуйидагилар:

- Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши;
- Директор;

13.2 Корхонада Кузатув Кенгаши тузилмайди.

## XIV. ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

14.1. Корхонанинг энг олий органи бўлиб Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши ҳисобланади.

14.2. Таъсисчилар Таъсисчиларнинг Умумий йиғилишида Устав фондидаги улушлари миқдорига мутаносиб равишда овозлар сонига эгадирлар.

14.3. Таъсисчилар Умумий йиғилишининг Раиси Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши томонидан сайланади.

14.4. Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши йилига камида бир маротаба ўтказилади.

14.5. Таъсисчилар Умумий йиғилишининг мутлок ваколатларига қуйидагилар киради:

- Корхонани фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- корхона устав фонди миқдорини ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- корхонанинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- корхонанинг тафтиш комиссиясини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерлик балансларни тасдиқлаш;
- корхонанинг соф фойдасини корхона таъсисчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- корхона органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш бўйича қарор қабул қилиш;

- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалрни хал қилиш.

14.6. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Корхонанинг барча таъсисчилари томонидан бир овоздан (100%) қабул қилинади:
- Корхона устав фонди миқдорини ўзгартириш (кўпайтириш, камайтириш);
- Бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш;
- Корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш;
- таъсис хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- Таъсисчилар (учинчи шахслар) томонидан киритиладиган улушларнинг пул баҳосини тасдиқлаш;
- Таъсисчилар улушининг энг юқори миқдорини, шунингдек уларни улушларининг нисбатини ўзгартириш имкониятини чеклаш;
- Таъсисчилар овозларининг сонини аниклашнинг бошқача тартибини белгилаш ва ушбу тартибга ўзгартириш киритиш;

14.7. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Корхона таъсисчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки (2/3) қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинади:
- Корхонани фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш;
- Йирик битимлар тузиш;

14.8. Ушбу уставнинг 14.6 ва 14.7 бандида кўрсатилган масалалардан ташкари бошқа масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овозлар билан қабул қилинади.

14.9. Таъсисчини Корхонадан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш жараёнида бу Таъсисчи ёки унинг вакили овоз беришда қатнашмайди.

## XV. ДИРЕКТОР.

15.1. Корхонанинг ижроя органи бўлиб директор ҳисобланади ва корхонанинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

15.2. Директор Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга, ваколатларни янги муддатга узайтириш ҳуқуқи билан сайланади ва шу тартибда вазифасидан озод этилади.

15.3. Директор лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки хорижий фуқаро сайланиши мумкин. Директор билан тузилган меҳнат шартномасини Таъсисчиларинг Умумий йиғилиши раиси имзолайди.

15.4. Директор Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича чақириб олиниши мумкин.

15.5. Корхона Директори:
- ишончномасиз Корхона номидан ҳаракат қилади, унинг манфаатларини республика ва хорижий давлат органларида, корхона, муассаса ва ташкилотларда намоён қилади;
- шартномалар тузади;
- ишончномалар беради, банкларда ҳисоб ва бошқа рақамларини очади;
- ходимларни ишга қабул қилишни ва бўшатишни расмийлаштиради;
- Корхонанинг барча ходимларига мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.
- Таъсисчилар Умумий йиғилиши қарорларининг тайёрлашни ва бажарилишини ташкиллаштиради ва уларни бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади;
- Корхонани мол-мулкини, шу жумладан унинг пул маблағларини Таъсисчилар Умумий йиғилиш қарорларида белгиланган доирада тасарруф этади;
- ҳисоботларни тақдим этишни ташкиллаштиради;
- Таъсисчилар Умумий йиғилиши томонидан унга юкланган бошқа вазифаларни бажаради.

15.6. Директор Таъсисчиларнинг Умумий йиғилишига ҳисобдор ва унинг олдида Корхона фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлади.

15.7. Директор ва Таъсисчилар умумий йиғилиши томонидан ваколат берилган шахс Корхона номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга.

## XVI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ.

16.1. Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси амалга оширади.

16.2.Тафтиш комиссияси Таъсисчилар Умумий йиғилиши томонидан 5 йил муддатга, ижроя органига кирмайдиган 3 киши миқдорида сайланади.

16.3. Корхона ижроия органига кирувчи шахслар бир вақтнинг ўзида тафтиш комиссияси аъзоси бўла олмайдилар.

16.4. Таъсисчилар Умумий йиғилиши розилиги билан тафтиш комиссияси ўз ишига бошқа мустақил экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

16.5. Таъсисчилар Умумий йиғилишининг қарори бўйича тафтиш комиссиясининг вазифаларини ёлланган мустақил аудиторлик ташкилоти амалга ошириши мумкин.

16.6. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг ташаббусига, Таъсисчилар Умумий йиғилишининг ёки жамият таъсисчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бир қисмига эга бўлган жамият таъсисчиларининг талабига биноан бир йиллик ёки бошқа давр учун фаолият якунларига кўра амалга оширилади.

## XVII. КОРХОНАНИНГ ХОДИМЛАРИ.

17.1. Корхонанинг ходимлари директор томонидан тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ шакллантирилади.

17.2. Меҳнат контрактларини тузиш, уларни бузиш, мутахассисларни ва ёрдамчи ходимларни мансабини ўзгартириш фақат контракт (шартнома) асосида амалга оширилади, бунда ёллашнинг аниқ шартлари хар бир ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ якка тартибдаги ёллаш шартномаси (контракт) билан белгиланади.

## XVIII. КОРХОНАНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ.

18.1. Корхонанинг тижорат сири деганда давлат сири аҳамиятига эга бўлмаган услубий ахборот, бошқариш, режалаштириш, молия ва Корхонанинг бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган, уларни ошкор этиш (бериш, ўтказиш) унинг манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади.

18.2. Хар бир ходим барча, шу жумладан беҳосдан олинған Корхонанинг молия ва бошқа характердаги фаолияти билан боғлиқ ахборотни ошкор этилмаслигини ва бундай ахборотнинг тарқалишини олдини олиш бўйича чоралар кўришга мажбурдир.

18.3. Тижорат сири ошкор этилганда директор ахборотни янада тарқалишини олдини олиш бўйича барча чораларни кўради ва айбдор шахсни Корхонадан чиқариб юборилишини амалга оширади.

## XIX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ.

19.1. Таъсис шартномаси ва Уставга кўра келиб чиққан барча низолар ва келишмовчиликлар амалдаги қонунчилик, таъсис шартномаси ва Устав асосида Таъсисчиларнинг ўзаро келишиш йўли билан хал этилади.

19.2. Вужудга келган низолар ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан хал қилишнинг имкони бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди оркали хал этилади.

19.3 Хўжалик судининг қароридан норози бўлган томон ушбу қарор устидан халқаро арбитражга мурожаат қилиши мумкин.

## XX. КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ.

20.1. Корхонани қайта ташкил этиши ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-56-моддалари ҳамда "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 49-55-моддалари тартибида амалга оширилади.

20.2 Корхонани қайта ташкил этиш Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича уни қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш йўли билан амалга оширилади. Корхонани қайта ташкил этишда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисига ўтади.

20.3. Корхонани тугатиш Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши ёки хўжалик судининг қарорига асосан амалга оширилади.

20.4. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан Корхоналарнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритил вақтдан бошлаб корхонани тугатиш якунланган, Корхона эса ўз фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

## XXI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР.

21.1. Ушбу Устав корхона қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради.

*22.2. Уставда ва таъсис шартномада ўз ифодасини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича тартибга солинади.*

22.3 Уставда ва Таъсис шартномасида белгиланган қоидалар бир бирига зид келган тақдирда, Устав қоидалари устунлик ҳуқуқига эга ҳисобланади.

**«Xinjiang AMIR Trading Co., Ltd.» масъулияти чекланган компания номидан ишончнома асосида вакил Мухаммадов Азиз Шариф ўғли**

Мухаммадов Азиз Шариф ўғли

**Гафуров Баходир Исраилович**

Гафуров. Баходир. Исраилович.

*Узбекистон Республикаси Тошкент шахар,*
*Икки минг ун учинчи йил Еттинчи май кунида*

Ушбу уставни мен, Тошкент шахар Юнусобод тумани Ц-5, 36-уйда жойлашган 3-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси УСМАНОВА МАТЛЮБА НИГМАТОВНА «Xinjiang AMIR Trading Co., Ltd.» (GRAND ART CERAMICS) маъсуляти чекланган компанияси номидан ишончнома асосида харакат килувчи МУХАММАДОВ АЗИЗ ШАРИФ УГЛИ, ва Узбекистон Республикаси фукароси ГАФУРОВ БАХОДИР ИСРАИЛОВИЧларнинг менинг хузуримда куйган имзосининг хакикийлигини тасдикладим.

Уларнинг шахси аникланди, муомалага лаёкатлилиги текширилди, яъни шахсий мулокат давомида уларнинг муомалага лаёкатлилиги шубха тугдирмади, ушбу нотариал харакатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёкатсизлилиги хакида хеч кандай маълумотлар йук.

Шунингдек, «Xinjiang AMIR Trading Co., Ltd.» (GRAND ART CERAMICS) маъсуляти чекланган компанияси хукукий лаёкати ва вакилининг ваколати текширилди

*«Нотариат тугрисида»ги Конуннинг 67-моддасига асосан нотариус имзонинг хакийкийлигини шаходатлар экан, хужжатда баён этилган фактларни эмас, балки факат имзонинг муайян шахс томонидан куйилганлигини тасдиклайди.*

Расмий руйхат китобига 544. сон билан кайд килинди.
7999. микдорида давлат божи ундирилди.

НОТАРИУС: УСМАНОВА М.Н.

Жами 15 (ун беш) сахифа ип билан тикилди ва мухрланди.
Имзо: ______